# Олди – сотди шартнома №50

Нурафшон шахар «20» Октябрь 2022 йил

Бундан «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи бўён Ёшлар ишлари агентлиги Галлаорол туман бўлими номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Назаров Ойбек Шадмон ўғли бир томондан ва бундан бўён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи " QUALITY DEVISE BUSSINES" МЧЖ номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Жамалов Ш.М. бошка томондан ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни кабул килади ва тўлайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофик етказиб беради:

| № | Товарларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бирлик учун шартнома нархи | Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Принтер | шт | 34 | 3 497 000 | 118 898 000 |
| | ЖАМИ: | | | | **118 898 000** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 118 898 000 (Бир юз ун саккиз миллион саккиз юз туксон саккиз минг) сўмни ҚҚС хисобга олган холда ташкил килади.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 4 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари етказиб берувчининг тегишли хисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.
2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа холлар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "Етказиб берувчи" хисобидан амалга оширилади.
2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.
2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:
"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;
Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошка холлар белгиланмаган бўлса;
Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;
Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:
- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бепул бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.
3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- мазкур шартномага мувофик ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни кабул килиш;
- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:
- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб килиш.
3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:
- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 2-кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бепул бартараф этиш.
3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1. Буюртмачи:
- товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.
- товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15% миқдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:
- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

**5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

**6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.
8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.
8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Етказиб берувчи**

Ташкилот номи: "QUALITY DEVISE BUSSINES

Манзил: Тошкент вил. Нурафшон шаҳри Баҳор кўчаси 64-уй

Х/Р 2020 8000 3054 8171 5001

МФО: 01181 СТИР: 309 212 679

Телефонлар: 97 770 37 37

Банк: "HAMKORBANK" АТБ Нурафшон филиали

Раҳбар: Ш.М.

(имзо)

**Буюртмачи**

Ташкилот номи: **Ёшлар ишлари агентлиги Галлаорол туман бўлими**

Манзил Жиззах вилояти Галлаорол тумани

Телефон: +99894 190 91 00 Факс:____________________

СТИР коди: 309216450 ОКОНХ: _________________

Буюртмачининг шахсий ғазна ҳисобварағи:

**401722860082097049996225001**

Ғазначилик бўлинмаси номи Галлаорол туман бўлими

СТИР: 201122919 МФО: 00014

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

Ягона Ғазначилик ҳисобвараклари (ЯҒҲ): 23402000300100001010

Раҳбар (директор): **Назаров Ойбек Шадмон ўғли** ____________

М.У. (имзо)

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 159383 на приобретение РАНГЛИ ПРИНТЕР

Способ проведения электронный

Дата 17.10.2022

Время рассмотрения 17.10.2022 15:27

Закупочная комиссия Галлаорол туман Ёшлар ишлари агентлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NAZAROV OYBEK SHADMAN O‘G‘LI | РАХБАР | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |
| **Секретарь комиссии** | RAXMATULLAYEV AKBAR ZUBAYDULLAYEVICH | БОШ ХИСОБЧИ | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |
| **Член комиссии** | NORBEKOV JAMSHID AKMAL O‘G‘LI | БОШ МУТАХАССИС | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |
| **Член комиссии** | NORMATOV ABDULLA UBAYDULLA O‘G‘LI | МУТАХАССИС | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |
| **Член комиссии** | QORAJONOV BEKNAZAR BOYNAZAR O‘G‘LI | MUTAXASSIS | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |
| **Член комиссии** | XUSANOV O‘TKIR ABDUMUTALIB O‘G‘LI | АЛАМЛИ МФЙ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ | ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН БЎЛИМИ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.10.2022 года № лота 159383.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Принтер** |
|---|---|
| Подробное описание | Принтер (26.20.16.120-00001) |
| Количество товара | 34.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 3 500 000.00 |
| Стартовая сумма | 119 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Талабгорнинг асосий воситаларга (офис, база, омборлар, ишлаб чиқариш цехлари, автогараж ва ҳ.к. ) эгалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг асосий воситаларга (офис, база, омборлар, ишлаб чиқариш цехлари, автогараж ва ҳ.к. ) эгалиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 20 | ma'lumot to'liq taqdim qilindi | 14 | Экспертная | | |
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 20 | Асосий воситалар тугрисида маълумотнома илова килинади. 2 та дукон ва омборхонаси мавжуд. | 10 | Экспертная | | |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 20 | Ijara shartnomasi | 10 | Экспертная | | |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 20 | Асосий воситалари | 12 | Экспертная | | |
| **ЧП FIN-TEK** | 20 | Есть | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Талабгор ташкилотнинг иш тажрибасига эга эканлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилотнинг иш тажрибасига эга эканлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 20 | ma'lumot to'liq taqdim qilindi | 15 | Экспертная | | |
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 20 | Корхонамиз иш тажрибасига эга булиб, малакали ишчи-ходимлар борлиги тугрисида маълумотнома илова килинади. | 4 | Экспертная | | |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 20 | Bajargan ishlar | 4 | Экспертная | | |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 20 | Тажрибаси | 11 | Экспертная | | |
| **ЧП FIN-TEK** | 20 | есть | 11 | Экспертная | | |

Критерий №3 Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга ҳамда Коорупция ҳолатига йўл қўймасликка Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга ҳамда Коорупция ҳолатига йўл қўймасликка Кафолат

хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 15 | ma'lumot to'liq taqdim qilindi | 14 | Экспертная | | |
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 15 | Кафолат хати илова килинади | 14 | Экспертная | | |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 15 | Kafolat xati | 14 | Экспертная | | |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 15 | Етказиб бериш ва Коррупцияга йул куймаслик б.ча кафолат хати | 14 | Экспертная | | |
| **ЧП FIN-TEK** | 15 | Есть | 11 | Экспертная | | |

Критерий №4 Молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий кўрсаткичлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 20 | ma'lumot to'liq taqdim qilindi | 13 | Экспертная | | |
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 20 | Молиявий курчаткичлар буйича хисобот илова килинади. | 10 | Экспертная | | |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 20 | Moliyaviy holat | 10 | Экспертная | | |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 20 | Молиявий курсаткичлар | 12 | Экспертная | | |
| **ЧП FIN-TEK** | 20 | есть | 12 | Экспертная | | |

Критерий №5 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги хакида маълумот, Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайдномадан нусха

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги хакида маълумот, Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайдномадан нусха

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 25 | ma'lumot to'liq taqdim qilindi | 24 | Экспертная | | |
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий** | 25 | Солиқлар ва | 17 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **корхонаси** | | йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмас, хамда инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида руйхатда турмайди. Маълумотномалар илова килинади | | | | |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 25 | Soliq, reestr | 17 | Экспертная | | |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 25 | Соликдан справка ва кафолат хати | 23 | Экспертная | | |
| **ЧП FIN-TEK** | 25 | есть | 22 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 119 000 000.00 | 118 150 000.00 UZS | 118 150 000.00 | 00.00 | 118 150 000.00 | 10.10.2022 16:10:11 | 12.92374 |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 119 000 000.00 | 108 800 000.00 UZS | 108 800 000.00 | 00.00 | 108 800 000.00 | 12.10.2022 12:12:19 | 14.03438 |
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 119 000 000.00 | 118 898 000.00 UZS | 118 898 000.00 | 00.00 | 118 898 000.00 | 07.10.2022 16:51:05 | 12.84244 |
| **ЧП FIN-TEK** | 119 000 000.00 | 101 796 000.00 UZS | 101 796 000.00 | 00.00 | 101 796 000.00 | 12.10.2022 22:00:44 | 15 |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 119 000 000.00 | 107 100 000.00 UZS | 107 100 000.00 | 00.00 | 107 100 000.00 | 12.10.2022 17:25:09 | 14.25714 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **«BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси** | 46.75 | 12.92374 | 59.67374 |
| **TRUST PARTS OIL MCHJ** | 46.75 | 14.03438 | 60.78438 |
| **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** | 68 | 12.84244 | 80.84244 |
| **ЧП FIN-TEK** | 56.1 | 15 | 71.1 |
| **ООО HUMO DISTRIBUTIONS** | 61.2 | 14.25714 | 75.45714 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 159383 от 17.10.2022 года на приобретение РАНГЛИ ПРИНТЕР определила победителем:

QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ
309212679

и резервный исполнитель: ООО HUMO DISTRIBUTIONS (307168402)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NAZAROV OYBEK SHADMAN O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NORBEKOV JAMSHID AKMAL O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NORMATOV ABDULLA UBAYDULLA O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | QORAJONOV BEKNAZAR BOYNAZAR O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | XUSANOV O‘TKIR ABDUMUTALIB O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**“T A S D I Q L A Y M A N”**
**Yoshlar ishlari agentligi**
**G‘allaorol tumani bo‘lim boshlig‘i:**

**_______________ O.Nazarov**

«20» oktyabr 2022 yil

Yoshlar ishlari agentligi G‘allaorol tuman bo‘limi (keyingi urinlarda buyurtmachi deb yuritiladi) uchun byudjet xisobidan mahalladagi yoshlar yetakchilari uchun noutbuk xarid qilish buyicha shartnomalar tuzish uchun ichki tanlov o‘tkazish komissiyasining

**M A J L I S   B A Y O N N O M A S I №3**

«20» oktyabr 2022 yil G‘allaorol tumani

Yoshlar ishlari agentligi G‘allaorol tuman bo‘limining 2022 yil «28» sentyabr №01-13/25-sonli buyrugi bilan tasdiklangan ichki tanlov komissiyasi azolari kuyidagi tartibda

**Q A T N A SH D I L A R:**

KOMISSIYA AZOLARI:

| | |
|---|---|
| Yoshlar ishlari agentligi G‘allaorol tuman bo‘lim boshlig‘: | O.Nazarov |
| G‘allaorol tuman bo‘limi bosh xisobchisi: | A.Raxmatullayev |
| G‘allaorol tuman bo‘limi shuba mudiri: | J.Norbekov |
| G‘allaorol tuman bo‘limi ta’lim muassasalarida yoshlar bilan ishlash bo‘yicha mutaxasis: | A.Normatov |
| G‘allaorol tuman bo‘limi besh tashabbusni muvofiqlashtirish bo‘yicha mutaxasis: | B.Qorajonov |

**K U N   T A R T I B I:**

1. Yoshlar ishlari agentligi G‘allaorol tuman bo‘limi uchun noutbuk xarid qilish buyicha Tovar-moddiy zahiralari tan narxi va muddatlari buyicha eng maqbul tanlov taklifini va golibini aniklash. **LOT № 22110012159383 «17» oktyabr 2022 yil summasi 118 898 000 so‘m.**
2. G‘allaorol tumani Yoshlar ishlari agentligi Tovar-moddiy zahiralari xarid qilish buyicha tanlovda ishtirok etish uchun kuyidagi pudratchi tashkilotlar ishtirok etish istagini bildirgan tashkilotlar:

1. «BUSINESS STAR MAX» хусусий корхонаси
2. TRUST PARTS OIL MCHJ
3. QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ
4. ЧП FIN-TEK
5. HUMO DISTRIBUTIONS МЧЖ

Talabgorlar tomonidan tanlovga taqdim etilgan xujjatlar to‘g‘ri rasmiylashtirilganligi, tuzilganligi va to‘lik xajmda to‘lik takdim etilganligi aniklandi.
Yoshlar ishlari agentligi G‘allaorol tuman bo‘limi uchun Tovar-moddiy zahiralari xarid qilish buyicha talabgorlar tomonidan takdim etilgan takliflarni tanlov ishtirokchilariga o‘qib eshittirildi. shu munosabat bilan baxolash komissiyasi a’zolari talabgorlar takliflarini o‘rganib chiqayotganda, bu takliflar amalga oshirishi mumkinligini va asoslanganligiga e’tibor berishlari lozimligi takidlandi.

17.10.2022-yildagi LOT № 22110012159383-sonli davlat buyurtmasi tomonidan rasmiylashtirilgan kundan davlat haridlarining elektron tizimida 2 ish kuni muhokama qilish mobaynida tanlash ishtirokchilari tomonidan e’tirozlar kelib tushmagan va harid komissiyasi tomonidan g'olib deb topilgan ishtirokchi o'rtasida shartnoma tuziladi.

Komissiya a’zolarining fikr-muloxazalarini eshitib va o‘rganib chiqqan xolda baxolash komissiyasi

## QAROR QILADI:

Tanlov g'olibining taklifiga kura . **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** tomonidan Yoshlar ishlari agentligi G'allaorol tuman bo'limiga Tovar-moddiy zahiralari xarid qilish buyicha qiymati joriy narxlarda **118 898 000** so'm, ishlarni to'lik bajarish muddati 10 kun.

Tanlov g'olibining taklifiga kura **QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ** bilan Yoshlar ishlari agentligi G'allaorol tuman bo'limiga Tovar-moddiy zahiralari xarid qilish buyicha oldi-sotdi shartoma tuzilsin.

.

## KOMISSIYA AZOLARI:

| | |
|---|---|
| **Yoshlar ishlari agentligi G'allaorol tuman bo'lim boshlig'i:** | **O.Nazarov** |
| **G'allaorol tuman bo'limi bosh xisobchisi:** | **A.Raxmatullayev** |
| **G'allaorol tuman bo'limi shuba mudiri:** | **J.Norbekov** |
| **G'allaorol tuman bo'limi ta'lim muassasalarida yoshlar bilan ishlash bo'yicha mutaxasis:** | **A.Normatov** |
| **G'allaorol tuman bo'limi besh tashabbusni muvofiqlashtirish bo'yicha mutaxasis:** | **B.Qorajonov** |